

**“КЕКСА ИШЧИ ПОРТРЕТИ” АСАРИ ҲАҚИДА МАЪРУЗА.**

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

**Рахимова М**

Тасвирий санъат инсоният маданиятининг энг муҳим ва қадимий соҳаларидан бири ҳисобланади. У инсоннинг ҳаёти, меҳнати, ҳис-туйғулари ва ижтимоий муҳитини бадиий шаклда акс эттиради. Айниқса, портрет жанри тасвирий санъатда алоҳида ўрин тутди. Портрет орқали рассом инсоннинг нафақат ташқи қиёфасини, балки унинг ички дунёси, характерини ва руҳий ҳолатини ҳам ифодалайди.

Ўзбек тасвирий санъатида ҳам инсон образини акс эттирувчи кўплаб асарлар яратилган. Бу асарлар орасида оддий меҳнаткаш инсонларнинг ҳаётини тасвирловчи портретлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бундай асарлар орқали халқнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи ва ҳаётий қадриятлари намоён бўлади.

Шундай асарлардан бири — “Кекса ишчи портрети” ҳисобланади. Ушбу асар ўзбек рассоми А. Абдуллаев томонидан яратилган бўлиб, меҳнаткаш инсоннинг ҳаёти ва руҳиятини акс эттирувчи муҳим бадиий асарлардан бири ҳисобланади.



Асар ҳақида умумий маълумот

Асар номи: “Кекса ишчи портрети”

КК – 3223

Инв – 168

Муаллифи: **А. Абдуллаев**

Ушбу асар 1959 йилда rassom А. Абдуллаев томонидан рангтасвир жанрида яратилган. Асар мато (холст)га мойбўёқ техникасида ишланган. Унинг ўлчами 100 × 85 см ни ташкил этади. Асар Тошкент шаҳрида яратилган бўлиб, кейинчалик музей фондига қабул қилинган.

У 1963 йил 13 август куни музейга қабул қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур асар Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий фондида сақланмоқда.

Бу асар музей фондидаги қимматли бадиий экспонатлардан бири ҳисобланади.

### **Рассом ҳақида қисқача маълумот.**

А. Абдуллаев ўзбек тасвирий санъатида ўз ўрнига эга бўлган rassomлардан бири ҳисобланади. Унинг ижодида инсон образи, айниқса меҳнаткаш инсонларнинг ҳаёти муҳим ўрин тутади.

Рассом ўз асарларида оддий одамларнинг турмуш тарзи, меҳнати ва рухий ҳолатини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратган. У портрет жанрида кўплаб асарлар яратган бўлиб, улар орқали инсон характерини ва ҳаётий тажрибасини очиқ беришга ҳаракат қилган.

**“Кекса ишчи портрети” ҳам ана шундай асарлардан бири ҳисобланади.**

### **Асар композицияси**

Асарда кекса ёшдаги ишчи эркак тасвирланган. У иш жойида стулда ўтирган ҳолда акс эттирилган.

Қаҳрамоннинг қиёфаси сокин ва мулоҳазали ҳолатда кўрсатилган. Унинг кўлида ишчи кўлқоп бўлиб, у темир асбобни ушлаб турган ҳолда тасвирланган.

Композиция марказида айнан ишчи инсон образи жойлашган. Рассом томошабин диққатини қаҳрамоннинг юзи ва қиёфасига қаратган.

Бу эса асарнинг асосий ғоясини янада аниқроқ очиб беришга хизмат қилади.

### **Қаҳрамоннинг ташқи кўриниши.**

Асарда тасвирланган ишчи оддий меҳнаткаш инсон сифатида кўрсатилган.

Унинг бошида қора рангли бош кийим бор. Унинг устидан пушти рангли мато ўралган.

Эгнида енги калта оқ кийим бор. Бу унинг иш жараёнидаги кийими эканини кўрсатади.

Кўлида эса ишчи кўлқоп бор ва у темир асбобни ушлаб турган ҳолда тасвирланган.

Бу деталлар орқали рассом ишчининг касби ва меҳнат фаолиятини кўрсатган.

### **Юз ифодаси ва руҳий ҳолат.**

#### **Портретда ишчининг юз ифодаси алоҳида аҳамиятга эга.**

Унинг юзидаги ажинлар кўп йиллик ҳаёт тажрибасини кўрсатади. Бу ажинлар нафақат ёшни, балки инсоннинг ҳаёт давомида бошидан кечирган турли қийинчиликларини ҳам ифода этади.

### **Қаҳрамоннинг қараши жиддий ва мулоҳазали.**

Бу унинг тажрибали ва ҳаётни яхши тушунадиган инсон эканини кўрсатади.

Рассом қаҳрамоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилган.

## **Ранглар ва бадиий услуб.**

**Асарда асосан табиий ва сокин ранглар ишлатилган.**

Жигарранг, кулранг ва оч ранглар асарнинг умумий колоритини ташкил қилади.

Бу ранглар ишчи ҳаётининг оддийлиги ва табиийлигини кўрсатади.

Ёруғлик ва соя ўйинлари орқали рассом қаҳрамоннинг қиёфасини янада жонли қилиб кўрсатган.

Ёруғлик асосан юз қисмига тушган бўлиб, бу қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини янада аниқроқ ифодалашга хизмат қилади.

## **Асарнинг бадиий аҳамияти.**

“Кекса ишчи портрети” ўзбек тасвирий санъатидаги портрет жанрининг муҳим намунасидир.

Асарда инсоннинг ташқи кўриниши билан бирга унинг ички дунёси ҳам очиқ берилган бу эса асарнинг бадиий қимматини янада оширади.

## **Асарнинг ижтимоий аҳамияти**

Асар оддий меҳнаткаш инсон ҳаётини кўрсатади.

Бу орқали рассом меҳнатнинг қадрини ва инсоннинг жамиятдаги ўрнини кўрсатган.

Асар томошабинда меҳнатга ҳурмат туйғусини уйғотади.

## **Тарихий аҳамияти.**

Бундай асарлар муайян давр тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Чунки улар орқали ўша давр инсонларининг турмуш тарзи ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот олиш мумкин.

### **Музей учун аҳамияти.**

Мазкур асар Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фондида сақланади.

У музей экспонатлари орасида муҳим бадиий асарлардан бири ҳисобланади.

Бу асар музейга ташриф буюрувчиларга ўтмишдаги меҳнаткаш инсонлар ҳаёти ҳақида тасаввур беради.

### **Асарнинг тарбиявий аҳамияти.**

Бундай асарлар ёш авлодни тарбиялашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Чунки улар инсон меҳнатига ҳурмат билан қарашни ўргатади.

“Кекса ишчи портрети” асари ўзбек тасвирий санъатида инсон образини чуқур ва таъсирчан ифода этган муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Рассом А. Абдуллаев ушбу асар орқали оддий меҳнаткаш инсоннинг ҳаёти, унинг кўп йиллик меҳнат тажрибаси ва ҳаётининг донолигини бадиий шаклда акс эттирган. Асарда тасвирланган кекса ишчи қиёфаси орқали нафақат бир инсон тақдири, балки бутун бир давр меҳнаткашларининг умумий тимсоли намоён бўлади.

Асарда қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, юз ифодаси, кийими ва меҳнат қуроллари орқали унинг ҳаёти меҳнат билан чамбарчас боғлиқ экани кўрсатилади. Юзидаги ажинлар, жиддий ва мулоҳазали қарашлар инсоннинг кўп йиллик ҳаёт тажрибасини, сабр-тоқатини ва меҳнат орқали орттирган донишмандлигини ифода этади. Бу эса рассомнинг инсон характерини очиқ беришдаги маҳоратини кўрсатади.

Асарда қўлланган ранглар, ёруғлик ва соя ўйинлари ҳам бадиий таъсирчанликни кучайтиради. Табиий ва сокин ранглар орқали қаҳрамон ҳаётининг оддийлиги ва самимийлиги ифодаланган. Бу бадиий воситалар асарнинг мазмунини янада чуқурроқ очишга хизмат қилади.

“Кекса ишчи портрети” нафақат бадий жихатдан қимматли асар, балки тарихий ва маданий аҳамиятга ҳам эгадир. У орқали ўтган даврдаги меҳнаткаш инсонлар ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи ва жамиятдаги ўрни ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу жихатдан бу асар халқнинг маданий меросини акс эттирувчи муҳим санъат намунаси ҳисобланади.

Мазкур асарнинг Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фондида сақланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Чунки музейлар халқнинг тарихий ва маданий бойликларини сақлаш ва келажак авлодларга етказишда муҳим ўрин тутади. Бундай асарлар орқали ёш авлод ўз халқи тарихи, меҳнат қадрияти ва инсон камолотининг аҳамиятини англайди.

Шунинг учун ҳам “Кекса ишчи портрети” асари нафақат санъат асари сифатида, балки тарбиявий, маънавий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган қимматли маданий мерос намунаси сифатида баҳоланади. У инсон меҳнатини улуғлаш, сабр-тоқат ва ҳаётий тажрибанинг қадрини англатишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев А. Ўзбек тасвирий санъати асарлари каталоги. – Тошкент: Санъат, 1965.
2. Каримов Н. Ўзбек тасвирий санъати тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
3. Ахмедов М. Санъатшунослик асослари. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт, 2001.
4. Кекса ишчи портретини экспонат ўзидан